

С.Иноятв., О.Хаитова., М.Абдусаломова.

Абу Али Ибн Сино
комил инсон тўғрисида

Навоий -2010

Ҳукмингизга мазкур мўъжаз рисолаи ҳавола этишдан кўзлаган мақсадимиз Ибн Сино бобокалонимизнинг маънавий хазинасидан ёшларимизни баҳраманд қилиш, уларни ўз мустақил фикри ва тафаккурига эга бўлган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларимиз онгида ўзлигини унутмаслик, ота-боболаримиз, авлод-аждодаларимизнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш ва уни бойитишга ўз ҳиссасини қўшадиган фидойилик каби фазилатларни қарор топтиришдан иборат.

Мазкур рисолада жаҳон илм ва фани ривожига буюк ҳисса қўшган қомусий олим Абу Али Ибн Синонинг комил инсон маънавияти, маърифати масалалари ҳақидаги қарашлари, унинг асарларидан парчалар, табиий ва фалсафий фанларнинг ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, Ибн Синонинг бой илмий меросини ўрганган ўзбек ва хориж олимлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Мухаррир:

Ғ.Темиров-тарих фанлари доктори,профессор.

Такризчилар:

У.Имомов-фалсафа фанлар номзоди, доцент.

И.Мухамедов-тарих фанлар номзоди, доцент.

КИРИШ

Дунё тамаддунида машхур ном қозонган, беназир аллома Абу Али ибн Сино (Авиценна)нинг тўлиқ исми Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Синодир.

Абу Али – арабчадан таржима қилинганда Алининг отаси маъносини англатади. Арабларда шундай удум бор: кишини унинг тўнғич ўғлининг исми билан атайдилар. Бунга куния (лақаб) дейилади. Куния мусулмон Шарқида кишининг ўз исмидан олдин қўйиб айтилган. Агар исм халифа Алининг ўғилларидан бири каби – Ҳусайн ёки Ҳасан – бўлса, унинг кунияси Абу Али бўлган. Гарчанд, Ибн Синонинг на ўз оиласи ва на болалари бўлмаган бўлсада, уни бўлажак Алининг отаси деб аташган.

Ҳусайн эса – алломанинг ўз исми. Ибн Абдуллоҳ Абдуллоҳнинг ўғли (Ҳусайннинг отаси Абдуллоҳ эди). Ибн Али (Алининг ўғли) – бобосининг исми; ибн Ҳасан (Ҳасаннинг ўғли) – катта бобосининг исми.

Ибн Сино – тахаллуси (Сино дорий тилида гавҳарларни тешувчи маъносини англатади). Қадимги яҳудийлар тилида Ибн Синони Абен Сина деб атаганлар, кейинчалик эса бу ном Оврупода жуда кенг тарқалиб, Авеценна сифатида оммалашиб кетган (лотинча - AVICENNA).¹

Буюк неъмат мустақиллик шарофати ила жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган қомусий олим Абу Али Ибн Синонинг бой ва серқирра илмий мероси атрофлича ўрганила бошланди.

Ибн Синонинг оқил давлат арбоби, истеъдодли шоир ва адабиётшунос, нафис мусикашунос ва физик, ўткир математик ва астроном, кучли химик ва географ, мохир рухшунос ва файласуф бўлганлиги унинг яратган илмий-адабий меросидан маълумдир. Ибн Сино мутолаасининг бойлиги, илмнинг машаққат ва захматига чидамлилиги ва ғайрати билан ўтмишдошларини лол қолдирган. Унинг нодир ва ўлмас асарлари нафақат Шарқда балки Ғарбда ҳам машхурдир.

(Абу Али ибн Сино (Авиценна) – замондош олимлар томонидан “Шайх ар-Раис” (олимлар йўлбошчиси, устози), ғарбда – “Файласуфлар султони” ва “Шифокорлар подшоҳи” номи билан шуҳрат қозонган, X-XI асрда мусулмон Шарқида етишиб чиққан буюк қомусий олим, ҳақим ва файласуфдир. Унинг номи барча даврларнинг энг кўзга кўринган, маълум ва машхур олимлари, файласуфлари ва маърифатпарварлари ичида ҳам энг ёрқиндир. Ибн

¹ AVICENNA Ибн Сино халқаро жамғармаси бошқарув раиси т.ф.д. Эргашов Ш.Б. масъул ижрочилар: т.ф.д.,проф. Бахромов С.М. т.ф.д.,проф. Ботирова З.Б. ва бошқ. 2007. Uz.Sino. FD.

Синонинг ижоди бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Оврўпо фани ҳамда маданиятига салмоқли таъсир кўрсатган.

Ўрта асрларга оид миниатюраларда Ибн Синони ҳақли равишда Аристотел, Платон, Птолемей, Гиппократ, Гален, Евклид каби фаннинг буюк намоёндалари билан бир қаторда тасвирлаганлар.

Жаҳон Тинчлик Конгресси алломани шундай тавсифлайди: “Гениал инсонларнинг қолдирган изларини асрлар оша ўзида сақлаб келаётган фан, адабиёт ва санъатнинг буюк дурдоналари бор-ки, улар барча халқлар учун ҳам умумбашарий хазинадир. Бу маданий мерос инсоният учун битмас-туганмас манба ҳисобланади ва унинг олдида умуминсоний келишув ва ҳамкорлик истиқболларини очиб беради. Ибн Сино ўзининг ижоди ҳамда яратган асарларининг аҳамияти жиҳатидан бутун инсониятга тегишлидир. Унинг фаолияти ҳақиқат ва ақл-идрок талабларига асосланган эди”.

Ибн Сино ўзининг бутун ҳаёти давомида тинмасдан изланди, меҳнат қилди. “Мен меҳнат билангина тирикман, - деб таъкидлар эди у, - қолганлари эса фақат кун кечиришгина холос”. Илму-фан Ибн Синонинг бутун борлигини қамраб олган, аллома унга ўзини бутунлай бахшида этган эди.

Олимнинг илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва табиий қарашлари жуда серкиррадир. Қайси фан соҳасига қалам урмасин, унда ўз зикрини қолдира олган. Мутафаккир ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва бахт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги ҳамкорлиги, раҳбарнинг бурчи ва масъулияти тўғрисида қизиқарли ғояларни илгари сурган.

Республика Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар” тўғрисида фикр юритиб дунёда ном қолдирган олимларни эслатиб, буюк олим Ибн Сино ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “Ноёб фазилятлар соҳиби бўлмиш машҳур аллома Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор”.¹

Падуан университетининг профессори Феррарининг дарслигида (1471) Ибн Синонинг номидан 3000 мартаба цитата келтирилган бўлса, Розий ва Галендан – 500 марта,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 43-бет.

Гиппократдан эса – 140 марта келтирилган. Шунинг ўзи Ибн Синонинг Оврўпода нақадар машхур эканлигининг далили бўла олади.

Уйғониш даврининг буюк даҳоси Леонардо да Винчи ҳам Ибн Синонинг асарлари билан таниш бўлган ва уларни ўрганган. Унинг машхур замондоши Микеланжело эса: “Бошқаларга эргашиб ҳақ бўлгандан кўра, ноҳақ бўлса ҳам Гален ва Авиценнага эргашган маъкулрокдир”, - деган эди.

Тарихчи Ж.Сартон ўз завқини яшира олмасдан: “Авиценна барча давр ва халқларнинг энг машхур кишиларидан бири ҳамда энг таниқли мусулмон олимидир”, - деб хитоб қилган.

Кўзга кўринган шарқшунос Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, ғарбий Оврўпо фанининг кўпгина ютуқлари Синонинг асарларига боғлиқ бўлган .

Етакчи ибнсиношунослардан бири, академик В.Н.Терновский ёзади: “Ҳозирда Ибн Сино инсоният олдида толмас ва қизгин тадқиқотчи, порлоқ шифокор, илҳомбахш мутафаккир сиймосида намоён бўлади. Унинг номи ва ишлари буюк гуманизм рамзи сифатида инсонлар қалбида мангу яшайди. Унинг асрлар зулмати оша инсонларнинг соғлиғи учун олиб борган буюк курашини бизнинг замонамизнинг шифокорлари давом эттирмоқдалар”.

Халқаро тиббиёт тарихи Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Россия тиббиёт фанлари академиясининг академиги Б.Д.Петровнинг ёзишича: “Оврўпода ўрта асрларда билимларининг кенг қамровлиги, истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва буюк ижодий самаралари жиҳатидан ҳеч кимни унга тенглаштириб бўлмайди”.

Абу Али ибн Синонинг хижрий сана (мусулмон календари) бўйича 1000 йиллик юбилеи 1954 йили Техронда (Эрон) ва Жаҳон тинчлик Конгрессида ўтказилган. Шу вақтда алломанинг ҳоқи эски мақбарадан янгиси (Ҳамадон)га кўчириб ўтказилган.

Ибн Сино табиий фанлар, минералогия, кимё, ботаника, астрономия, математика, тиббиёт, адабиёт, мусиқа ривожига беқиёс ҳисса қўшгани боис унинг яратган асарлари дунё тилларига – немис, инглиз, рус, араб, испан, итальян, француз каби тилларга таржима қилинган.

Мустақиллигимиз туфайли юртимизда ва хорижда махсус илмий йўналиш – синошунослик вужудга келди. Жаҳоннинг турли кутубхоналарида Ибн Сино асарларининг қўлёзмалари сақланади, жумладан, Ўзбекистон ФАШИ да аллома қаламига мансуб 50 асарнинг 60 та қўлёзмаси мавжуд.

Европа олимларидан Е.Бишманн, Ю.Русска Карра дево, Х.Корбин, Круз Хермандез, Л.Гарде, А.Гуашон, Ж.Салиба, араб, эрон, турк олимларидан М.У.Нажотий, А.Н.Нодир, Яхё Маҳдавий, Умар Фаррух, Ф.Раҳмон, М.Мусо, М.Шохвардий маълум ҳисса қўшганлар.

Рус олимларидан Е.Э.Бертельс, А.Я.Борисов, С.И.Григорял, Б.А.Петров, В.Н.Терновекий, А.В.Сагадеев, тожик олимларидан С.Айний, М.Диноршоев, Т.Мардонов, Ю.Нуралиевлар бу йўналишнинг ривожланишига хизмат қилганлар.

Юртимизда Ибн Сино асарларини таржима ва тадқиқ этишда шарқшунос олимлар С.Мирзаев, А.Муродов, У.И.Каримов, А.Семёнов, Ш.Шоисломов, Ҳ.Ҳикматуллаевлар улкан ишларни амалга оширдилар.

Т.Н. Қори-Ниёзий, И.Мўминов, М.М.Хайруллаев, М.Н.Болтаев, Б.Ахмедов, А.Расулов, У.Каримов, А.Ирисов, А.Ахмедов, Н.Мажидов, В.К. Жумаев, М.Баротовнинг монография ва мақолаларида Ибн Сино ижодининг турли қирралари тадқиқ этилган.¹

“Биз мустақилликка эришганимиздан сўнг Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз авлиёларимиз, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз асарларини том маънода қайтадан кашф этдик. Лекин бу улуғ аждодларимизнинг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини ёшларимиз биладими? Албатта, билади. Аммо, афсуски, аксари: ҳолларда умумий, юзаки тарзда билади”¹.

Дарҳақиқат, буюк сиймоларимиз томонидан яратилган ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, унинг маъно-моҳиятини ёшларимизга етказиш масаласи барчамизнинг, айниқса зиёлиларимизнинг асосий ва муқаддас вазифаларидан биридир.

Буюк аждодларимизнинг бағрикенглиги, улар дунёқарашида дунёвий ва диний илмларнинг муштараклиги, диёнат ва адолатпешалиги, сабр-қаноатлилиги барчамиз учун намуна-ибратдир.

¹ Қаранг: Абу Али Ибн Сино . Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, Давлат нашриёти. –Т.1. 2002, 53-59-бетлар.

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 18-бет.

ИБН СИНОНИНГ ИЛМ ВА АХЛОҚ МАСАЛАСИГА ОИД АСАРЛАРИ.

Ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асарлар яратди, лекин бизнинг давримизгача улардан 242 таси етиб келган¹.

Ибн Сино ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида илк ўрганиш борасида чеккан машаққатларини қуйидагича баён этади:

“Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг барча қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен кечалари кам ухлаб, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим... Агар бир оз уйкуга кетсам тушимда ҳам ўнгимдаги ўша масалаларни кўрардим, кўп масалалар ечими тушимда аён бўларди. Ана шу зайдда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим.”²

Тарих силсилаларидан маълумки, ўн учинчи асрнинг бошларида ҳар бир ўн мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган Ўтрор ва Марв кутубхоналарини мўғул босқинчилари ёқиб, қулини қўкка совурган.

Ибн Сино мустақил мутолаа қилган ҳолда математика, физика-астрономия фанларини араб ва форс тилларини пухта билиб олади. Машҳур табиб Абу Мансур Қамарийдан илми тибни ўрганади. Ўн етти яшарлигида Ибн Сино атоқли олим ва машҳур табиб сифатида ном чиқаради. Қўшниси Абулҳасан Арузтога турли билимларни ўрганишга ёрдам берадиган “ал-Мажмуъ” (“Тўплам”) рисоласини, Абу Бакр Баракийга йигирма жилд келадиган “Саховат ва жинойт ҳақида китоб” қўлланмаларини ёзиб беради. Бухоро амири Нух ибни Мансурнинг ошқозон касалини даволашга муваффақ бўлади. Афсуски, юқоридаги китобларнинг дастхати ўша одамлар қўлида қолиб, йўқолиб кетган ёки ҳали топилмаган.¹

Албатта, фанларнинг моҳиятини, чуқур ўрганиш ва билим чўққиларини эгаллаш осон иш эмас эди. Буни Ибн Сино ўз тажрибасида эътироф этади. Ибн Сино Аристотелнинг “Метафизика” китобини ёд олган бўлса-да, лекин моҳиятини тушунмаган. Фақат Абу Наср Форобийнинг Аристотелнинг “Метафизика” асарига ёзган шарҳини ўқигандан кейингина унга тушунган. Бу ҳақда Ибн Сино шундай деб ёзади:

“Мен мантиқни, табиий ва математика фанларини мукаммал ўргангач, илоҳиётга мурожаат қилдим ва “Метафизика”²ни ўқиб чиқдим. Бироқ мен учун бу асарнинг мақсади

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т., 2004.

² Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: “Ўзбекистон”, 1971, 271-бет.

¹ Ҳамиджон Ҳамидий. Кўхна шарқ дарғалари. Т.: “Шарқ”, 1999, 69-70-бетлар.

² “Метафизика” терминининг келиб чиқиши тасодифий бўлган. Милоддан олдинги 1 асрда қадимги юнон олими Андроник Аристотель (милоддан олдинги 384-322 йилларда яшаган)нинг асарларини қайта тартибга келтириш ва қайта қўчириш иши билан шуғулланган. Аристотелнинг физикага оид асарларини тартибга келтиргач, унинг борлиқ ва билиш назариясига оид рисоаларини физикадан кейинга қўйди ва бу асарларни “физикадан кейингиларни”, яъни “метафизика” деб атади. Вакт ўтиши билан “метафизика” термини махсус

мендан махфий эди. Мен “Метафизика”ни 40 марта қайта ўқидим, уни ёдладим ҳам, бироқ ҳамон бу китобнинг мақсадини тушуна олмадим. Маъюсланиб ўзимга ўзим айтар эдим: “Бу шундай китобки, уни тушунишнинг йўли йўқдир”.

Кунлардан бир куни намозгар пайти мен бозорда, муковачилар қаторида бўлдим, китобфурушлардан бири бир китобни қўлида ушлаб, уни мақтар эди ва менга узатди. Мен эса “бу фандан фойда йўқ” деб унинг талабини рад этар эдим. У эса “бу китобни сотиб ол, жуда нархи арзон, уч дирҳамга сотаман, китоб эгаси пулга жуда муҳтож”, деб ёлворар эди. Мен бу китобни сотиб олдим, у Абу Наср Форобийнинг “Метафизика” мақсади ҳақидаги асари экан. Уйимга қайтиб, тезлик билан уни мутолаа қила бошладим, “Метафизика”ни ёддан билганим учун унинг мақсади менга аён бўлиб қолди. Бу ҳолдан жуда хурсанд бўлиб, эртаси куни жуда кўп молларимни камбағалларга инъом этдим”.

Абу Али ибн Синонинг ҳаёт йўлини тадқиқ қилган дастлабки олимларидан А.А. Семёновнинг таъкидлашича, олим илмий–фалсафий дунёқарашининг шаклланишига, унинг буюк аллома бўлиб етишиб чиқишига Бухородаги шарт-шароитлар ижобий таъсир ўтказган. “Бухорода ўша давр интеллектуал ҳаётидаги мавжуд барча ғоявий оқимларнинг вакиллари учратиш мумкин эди.... Улар ўзаро баҳслашар, ғоявий кураш ҳатто қонли курашгача олиб борар эди. Шунингдек, Бухоро бозорларида арабча ва форсча қўлёзмалар сотилар, бозорга яқин маҳаллаларда жуда кўп муковачилар ва китоб кўчирувчи мирзолар яшар эди, Бухорода табиблар ва араб мамлакатларидан келиб қолган исмоилизм тарафдорлари яшар эди, улар табиатшунослик фанларидан математика, астрономия, тиббиёт каби фанлардан оилаларда дарс беришар эди”.¹

Демак, буюк аллома Бухорода яшаган йилларида фанларни мустақил ўзлаштириш ва ўзини мукамал асарларини ёзиш учун назарий-амалий тайёрлади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бухорода 1000-1001 йиллар мобайнида Ибн Сино бир неча илмий-фалсафий асарлар, жумладан, “ал-Мажмӯъ”, “ал-Хасил-ва-л-маҳсул”, “Китоб-ул-бирр-ва-л-исм” каби китоблар ёзган, афсуски, бу асарлар бизгача етиб келмаган. Бухорода яшаган чоғларида Ибн Сино хоразмлик буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний билан хат орқали Аристотель фалсафаси хусусида илмий баҳс-мунозаралар ва ёзишмалар олиб борган. Ибн Синодан етти ёш улуғ бўлган Беруний ёш олимнинг ақли, завокати ва чуқур билимига қойил қолган.¹

Ибн Сино билан Берунийнинг илмий ёзишмалари² уларнинг шахсан танишувларидан аввалроқ, 997-998 йилларда бўлган ва ҳозирда уларнинг табиий-илмий ва фалсафий

фалсафий мазмун касб этади ва борлиқ ҳамда уни билиш билан боғлиқ фалсафий таълимотлар шу ном билан юритиладиган бўлди –М.Б.

¹ Семёнов А.А. Абу ибн Сина (Авиценна). Таджикгосиздат, 1953, с. 35-36.

¹ Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. Т.: “Фан”, 1980, 10-12-бетлар.

² AVICENNA. Ибн Сино халқаро жамғармаси бошқарув раиси т.ф.д. Эргашов Ш.Б. Масъул ижрочилар: т.ф.д.,проф.Бахромов С.М. т.ф.д.,проф.Ботирова З.Б. ва бошқалар. 2007, Uz.Sino.FD.

қарашларини акс эттирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ёзишма Беруний томонидан Аристотелнинг “Осмон ҳақидаги китоб”и бўйича 10 та, “Физика”си бўйича эса 8 та саволини ҳамда уларга Ибн Синонинг берган жавобларини ўз ичига олади. Кейинроқ Беруний Ибн Синонинг жавобларига раддия ёзиб жўнатган, ўз навбатида Ибн Синонинг номидан унинг шогирди ал-Маъсумий мазкур раддияга жавоб берган.

Ёзишмаларда фалсафа, астрономия ва физиканинг муҳим масалалари муҳокама этилган. Беруний ўз қарашларини ўтказган тажрибаларига таяниб, тажрибага асосланган фанни сафсатабозликка қарши қўйган ҳолда исботлашга уринар эди. Ибн Сино ўзининг жавобларида Аристотелнинг ҳимоячиси ва шарҳловчиси сифатида намоён бўларди. Бу ерда нафақат ёш Ибн Сино мулоҳазаларининг чуқурлигига, балки унинг ўз қарашларини дадил ва мустаҳкам туриб ҳимоя қила олганлигига шохид бўлиш мумкин.

Ибн Сино таълим-тарбия ва ахлоққа оид бир неча асарлар яратган: “Тадбир ал-манозил”¹ (“Турар жойни бошқариш чоралари”), “Рисола фи илм ал-ахлоқ” (“Ахлоққа оид рисола”), “Рисола фи ал-аҳд” (“Бурч ҳақида рисола”), “Рисола фи тазкият ан-нафс” (“Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола”), (Сиёсат ал-бадан”), (“Баданни бошқариш”), (“Китоб ал-ансоф (“Адолат ҳақида китоб”). “Ал-уржуза фит-тибб” (“Тиббий уржуза”) Мазкур асарларнинг бугунга қадар баркамол авлодларимизни таълим ва тарбиясида, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган доно, билимли ва кучли бўлишларида аҳамияти бекиёс.

Чунончи олим “Тадбир ал-манозил” (“Турар жойни бошқариш чоралари”) деган асарида одамларнинг оила қуриши тўғрисидаги масалага оид ўз мулоҳазаларини баён этади. Бундан ташқари, Ибн Сино ахлоққа тегишли “Яхшилик ва ёмонлик” деган асар ҳам ёзган. Бу асар ҳақида олим ўз таржимаи ҳолида эслаб ўтади. Лекин бу китоб бизгача етиб келмаган бўлса керак, чунки бу китоб олим томонидан тақдим қилинган кишининг ўзидагина бўлиши таъкидланган эди. Ибн Синонинг ўзи ҳам ўша пайтда **унинг асрлар оша олмаслигини** пайқаган шекилли, бу ҳақда таржимаи ҳолида шундай деб ёзади: “Абу Бакр ал-Барқий деган Хоразмда туғилган бир қўшним бор эди, ўз табиати билан у киши фақиҳ – қонуншунос бўлиб, тафсир ва порсоликда ягона эди. Шу киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришимни сўради. Мен унга йигирма жилдча келадиган “Ҳосил ва маҳсул” деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, унга ахлоққа тегишли бир китоб ҳам ёзиб тақдим этдим. Китобнинг номини “Китоб ал-бирр ва – л-исм” (“Яхшилик ва ёмонлик китоби”) деб қўйдим. Бу икки китоб ундан бошқада йўқ. У икковидан нусха олиш учун ҳеч кимга бермаган ҳам”¹.

Ибн Синонинг “Ахлоқ ҳақида рисола” асарининг қўл ёзмаларидан бири Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг китоб

¹ Бу асарнинг форс тилига қилинган таржимаси 1930 йил Техронда нашр этилган.

¹ Қаранг: Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: “Ўзбекистон”, 1971, 310-бет.

фондида (2385 рақамда XXVI) мавжуд бўлиб, бу асар 1908 йили Мисрда Ибн Синонинг “Ҳикмат ва табиатга оид тўққиз рисоласи” китоби ичида (152-156-бетлар) нашр қилинган. Иккинчи марта бу рисола 1910 йили Мисрда араб олими Муҳйиддин сабрый Қудрий томонидан “Рисолалар мажмуаси” (“Мажмуат ар-расоил”) асари ичида (192-203-бетлар) чоп этилган.

Ибн Сино ўзининг “Ахлоқ ҳақидаги рисола”сида ахлоқий хислатлардан ор-номус, шаън, кадр-қиммат, қаноат, сахийлик, ғайратлилик, сабр-тоқат, ҳалимлик, сирни сақлай билишлик, илм-маърифатли бўлиш, очиклик, виждонлилик, дўстлик, садоқатлилик, камтарлик, сахийлик, адолатлилик каби шахс маънавияти категорияларига таъриф беради:

“Ғайратлилик” олимнинг фикрича, ғазабий қувватга мансуб бўлиб, бунда инсон ҳар қандай оғриқ ва аламларга бефарқ қарайди.

“Ҳикмат” тамйизий қувватга мансуб бўлиб, инсонни хато ва янглишишлардан асрайди.

“Қаноат”, яъни мўътадилликка таъриф бериб, Ибн Сино уни тана учун нормадан ортик озукани истеъмол қилишдан сақланиш ёки хулқ нормаларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик деб тушунтиради.

“Сабр” инсондаги шундай қувватдирки, у орқали инсон бошига тушган ёмонликдан холи бўлади.

“Юмшоқлик” ғазабнинг юз беришидан ўзини тутишдир. Кимки ўзини ғазабдан тута олмаса, у оқибатда жиноят содир бўладиган феъл-атворга гирифтор бўлади. Ғазабдан ўзини тутишни Ибн Сино инсоннинг олижаноблигидир, деб жуда тўғри таъкидлайди.

“Виждонлилик” тез фаҳмлаш, ҳис орқали берилган бирор нарсанинг ҳақиқий маъносига тез етишдир ва турли хил ёмон ишлардан ўзини тийиб туришдир.

“Раҳмдиллилик” омадсизликка учраган ёки бошқа оғир кулфат тушган инсонларга ҳамдард бўлиш.

Ибн Синонинг ахлоққа бағишланган рисоаларидан яна бири “Бурч рисоласи”дир. Бу асар 1910 йили Мисрда чоп этилган. Бу ерда Ибн Сино, асосан, одам ўзини доимо покиза тутиши кераклиги, инсонлар билан қандай муомала қилиш лозимлиги каби масалаларга тўхталиб ўтади.

Бундан ташқари, Ибн Синонинг ахлоққа оид асарларидан яна бири “Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола”дир. Ибн Синонинг бу асари (қўл ёзмаси) Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида мавжуд.

Донишманднинг ахлоқ мавзусига бағишланган асарларидан яна бири “Сиёсат ал-бадан” (“Баданни бошқариш”)дир. Бунда Ибн Сино ичкиликнинг зарари ҳақида, унинг қонун-қоидаларига ҳам тўхталиб, шаробни керагидан ортиқча ичилса, инсон баданида заҳарга айланишини таъкидлайди.

*Дастурхонда тўкин бўлса ҳам қанчалик,
Ичаверма, ҳирс қўйиб то бўкканчалик.*

Ибн Синонинг ахлоқ ва одоб борасидаги қарашлари унинг шоҳ асарлари “Тиб қонунлари”¹, “Аш-Шифо”ларнинг деярли барча қисмларида, шунингдек, унинг бадий асарларида, айниқса, тиббий поэмаси “Ҳайй ибн Яқзон”, “Қуш рисоласи”да ҳам ўз аксини топган. Ибн Синонинг “Тиббий поэмаси” шеърий тарзда ёзилган, унинг бир қўлёзма нусхаси Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв №300816) мавжуд бўлиб, бу асар дастлаб 1936 йили турк олими Шарофиддин Ялткая томонидан турк тилига таржима этилган. 1956 йилда эса Жазоир университетининг профессори Нуриддин Абдулқодир билан француз олими Ҳенри Жае томонидан Парижда француз тилига ўтирилган таржимаси билан арабча матни – тексти чоп этилди. Олим А.Э.Шлионский Душанбеда бу асар асосида номзодлик диссертациясини ёклаб, уни русчага таржима қилиб, баъзи қисмларини журнал ва тўпламларда нашр этди. 1972 йилда, ўзбек шарқшунос олими Шоикром Шоисломов уни таҳлил ва насрий таржима қилиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриётида ўзбек тилида чоп этди ҳамда бу асар асосида номзодлик диссертациясини ёқлади. Асар 1326 байтдан иборат бўлиб, бунда Ибн Сино тиббиётнинг турли-туман соҳаларига тўхталади ва инсонга энг зарур бўлган тиббий маслаҳат ва йўриқномаларни баён этади. Асарда муаллиф овқатланиш ва ухлаш гигиенаси, нафсоний кайфиятлар, соғлиқни сақлаш ҳақида инсон организми учун истеъмол қилиниши лозим бўлган нарсалар ҳақида, ичимлик сувлар, ичкиликлар, бадан тарбия ҳақида, иссиқ ва совуқ пайтда сафарда қилинадиган ишлар ҳақида, болалар тарбияси, боланинг туғилиши ва гўдаклиги ҳақида, дори-дармонларни ишлатиш ҳақида баҳс юритади.¹

Бундан ташқари, Ибн Синонинг ахлоқ мавзуидаги қарашлари унинг “Китоб ан-ансоф” (“Адолат китоби”) да ҳам ўз ифодасини топган. Бу асар йигирма жилддан иборат. Лекин у бизгача етиб келмаган. Бу тўғрида олимнинг садоқатли шогирдларидан бўлган Абу Убайд ал-Жузжоний шундай ёзади:

“Шайх Абу Али ибн Сино “Китоб ал-ансоф” (“Адолат китоби”) деган асар ёзди. Султон Масъуд Исфаконга бостириб кирган куни унинг аскарлари шайхнинг уйини талон-торож қилди, шунда бу китоб ҳам ўша ерда эди, шу тариқа китобдан асар ҳам қолмади”.²

Ибн Сино ўзининг “Уюн ал-ҳикма” (“Ҳикмат булоқлари”) асарида ҳам таълим ва ахлоққа оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Унда айтилишича, ахлоқ фани одамнинг

¹ “Тиб қонунлари”нинг дунё мамлакатларида машҳурлигини жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларининг кўплигидан билса бўлади. Маҳдавийнинг фихристида “Қонун”нинг 130 нусхаси келтирилган. Яхё Маҳдавий. Фихристи нусхаҳои мусаннафот-и Ибн Сино. Техрон 1333, №98. ЎзРФАШИ қўлёзма фонди №3316. 97 85.

¹ Шоисломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърий асари (“Уржуза”) Т.: 1972.

² Жонматова Ҳ. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Т.: “Ўқитувчи”, 1980, 13-бет.

чинакам бахтли бўлиши учун унга доимо йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган фандир. Бу фан кишининг хулқи, феъл-атвори устидан раҳбарлик қилади. Бу фан шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақатгина ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонлар бир-бири билан дўст-инок бўлиб яшаши, уларда инсонпарварлик руҳи ривожланиши лозим. Инсонлар камтар, иродаси кучли, тежамкор бўлиши зарур. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак. Яхши хулқли кишиларда инсонларнинг энг яхши хислатлари мужассамлашган бўлади. Шунингдек, асарда кишидаги одамшавандалик, бир кори хайр қилишга ишонч, ирода, бу борада тадбиркорлик, дўстга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, душманга нисбатан нафрат хислатларининг бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритилади.¹

Ибн Синонинг “Ал-уржуза фи-т-тибб” (“Тиббий уржуза”) достони унинг тиббий асарлари ичида “Тиб қонунлари”дан кейинги ўринда турувчи энг машҳур асаридир. Мазкур дoston араб тилида ражаз услубида ёзилган бўлиб, ҳажми нисбатан кичик бўлишига қарамасдан (2644 қатор), тиббиёт ҳақидаги таълимотни бутунлай ўзида мужассам этган. Китоб тиббиётни ўрганувчилар учун дарслик сифатида мўлжалланган эди (шеърларни эслаб қолиш осонроқ бўлганлиги туфайли, дарсликлар кўпроқ шеърый шаклда ёзилар эди). Шунингдек, асарда ахлоқ-одоб, вафо ва садоқат каби инсоний зийнатларга эътибор қаратилган. Ибн Сино ушбу дидактик достонига ёзган муқаддимасида: “Мен унга мукамал либос кийдирдим ва гўзаллик чакмонига ўралганини кўриб, ўзим ҳам ундан шодландим”, - дейди. “Гўзаллик чакмони” – бу асарнинг мазмунини белгилаб берувчи шеърый шаклдир. Шу боис “Уржуза” ўрта аср тиббиётининг ўзига хос “*Va de tecum*” и (айнан “мен билан юр”), яъни етакчиси бўлиб қолди. Кейинги асрлардаги йирик олимлар ҳам мусулмон оламида “Уржуза”нинг жуда оммавийлашиб кетганлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. “Уржуза”га кўплаб шарҳлар битилган ва уни қайта-қайта жаҳоннинг кўплаб тилларига таржималар қилинган. Шарҳловчилардан Ибн Рушдни, ҳамда “Уржуза”ни ўта кадрлаб, уни “.... фаннинг барча негизларини ўз ичига олади ва бутун бир китоблар коллекциясидан-да ортиқроқ туради”, - деб билган Муҳаммад ибн Исмоилни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

“Тиббий уржуза”нинг ёзилиш сабаблари ҳақида Ибн Сино шундай ёзади: “Мен баъзи мамлакатларда тиб санъати табибларнинг бирлашишига эмас, балки касалхоналар ва мактабларда уларнинг орасида ўзаро баҳс ва мунозарани вужудга келтирганини кўрдим. Мен ўз илмий жамоасини бойита олишга қодир бўлмаган инсонларни кўрдим: касалхона, мактаб – унинг қонун-қоидалари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган инсонларни, бирон-бир ахлоқий асосдан маҳрум, тиббий билимларини ривожлантирмасдан юрган, уни етарли

¹ Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. Т.: “Фан”, 1983. 15-18-бетлар.

даражада ўрганмаган инсонларни, бирор пойдеворга эга бўлмаган билимлари билангина ҳаракат қилаётган ва ўзларини устоз деб ҳисоблаган инсонларни кўрдим”¹.

Ибн Синонинг уқтиришича, инсонларда эзгу ният, ҳиммат, хайр-саховат, шижоат, адолат, покизалик, билимдонлик, иродалилиқ ҳислатлари билан бирга ҳасислик, ўғрилиқ, товламачилиқ, қўрқоқлик, такаббурлик, иғвогарлик, дангасалиқ, мунофиқлик, кибрлилиқ каби салбий ахлоқий ҳислатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Ибн Сино фикрича, инсонлар феъл-атворида айрим нуқсонлар бўлади, қайсики одамлар доимо булардан ўзини асраб-авайлаб юриши, иложи борица улардан қочиши лозим. Ана шу нуқсонларни у санаб кўрсатади. Буларга ёлғончилиқ, рашк, хусумат, қасд олиш, тухмат, иродасизлик каби салбий ҳислатларни киритади. Булар ичида энг катта нуқсон, дейди Ибн Сино, кишининг ноёб фазилати бўлган илмга зид келадиган нодонлигидир.

Ибн Сино киши қалбига бўлиши мумкин бўлган мана шундай ҳислатларни “Ҳайй ибн Яқзон” асарида рамзий ишоралар билан баён қилади, яхши-ёмон ҳулқ, феъл-атворларни иборали тарзда “киши ошналари” тариқасида талқин қилади. Бу ошналарнинг баъзиси кўп номақбул йўлларга бошлайди, инсон ана шу йўлларга киришдан ўзини эҳтиёт қилиши лозимлигини уқтиради.

“Яхшилиқ ҳаммага бевосита севимли, - дейди Ибн Сино ўзининг “Рисола фи-л-ишқ асари”да, - агар шундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўзи истаган, ёки орзу қилган ёки ўзича яхшилиқ деб тасаввур қилган бирор нарсасини ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди”¹.

Ибн Сино ўз асарларида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва биродарлик каби ғояларини тарғиб қилади, киши ҳаётида чин дўстлик эътиқод сифатида улуғланишини кўрсатади. Дўстликка таъриф бериб у қуйидагиларни ёзади: “Дўстлик инсонга хос бўлган шундай бир ҳислатдирки, бунда бошқа бировга яхшилиқ исталади, бунда инсон яхшилиқни аввало дўстлари учун истайди, Дўст бу яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандлигида ҳам, бахтсизлик кезларида ҳам қайғу ва шодлигига шерик бўлади”².

Дўстликнинг ташқи кўриниши аломатларига тўхталиб, Ибн Сино уни уч турга бўлади: биринчиси, суҳбатлашиш бўлиб, бу дўстликнинг шундай ҳолатидирки, бунда икки киши ҳозирлигининг вақт узунлигини билдиради. Иккинчиси, қувонч бўлиб, бу учрашувдаги лаззатни билдиради. Учинчиси, боғланиш бўлиб, бу никоҳ орқали боғланишни билдиради.³

“Инсонлар ичида нени яхши кўрувчилар бўлса, бу сенга ва сенинг яқинларингга яхшилиқни истовчилар бўлади, - дейди Ибн Сино, - мабодо шундайлар топилиб қолса, у ҳолда илтифот мунтазам равишда чин кўнгилдан ҳамда беминнат бўлиши керак. Ҳақиқий

¹ Қаранг: Абу Али Ибн Сино. ЎМЭ. Т.1.2002. 60-бет.

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т.: “Ўзбекистон”. 1997, Ибн Сина. Трактат о любви. Стр.60.

² Ибн Сино. Ал-Хитоба, 135-бет.

³ Ибн Сино. Ўша асар, ўша бет.

дўст сенинг дўстингга дўст, душманингга душман бўлади. У дўст душманидан узоқлашади, дўстига яқинлашади. Бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Чунки бунинг акси бўлса, душманлик саналади”.¹

Ҳар бир мавжуд нарсa ўз моҳиятига кўра камолотга интилади. Мана шу камолотга интилишнинг ўзи моҳиятига кўра яхшиликдир. Ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида яхшиликнинг икки томонини кўрсатиб ёзади: “Биринчи яхшилик қилувчига тегишли бўлса, иккинчиси, яхшилик қилинувчига тегишлидир. Иккинчи яхшилик қилинувчи учун яхшилик ҳисобланади. Лекин яхшилик қилинувчининг мукаммал эмаслигидан дарак беради. Чунки у мукаммал бўлганда эди, у яхшиликни қабул қилишга муҳтожлик сезмас эди”.²

Агар яхшилик уни амалга оширувчи учун қандайдир мақсадни кўзлаб қилинаётган бўлса ёки мажбурий равишда қилинаётган бўлса, у ҳолда яхшилик бўлмай қолади, чунки комил яхшилик доимо мажбуриятсиз, бирор нарсанинг эвазига қилинмаган яхшиликдир, бундан чиқди у чинакам яхшилик саналади.³

Ибн Сино яхшиликни фойдасиз ёки фойдали, роҳат ва ҳузур-ҳаловатга олиб келиш ва келмаслик билан ҳам баҳолайди. “Бирор манфаатни кўзлаб қилинган яхшиликда нимадир берилади ва нимадир олинади. Лекин олинadиган нарсa ҳамма вақт кўзга кўринмайди. У хурсандлик, ташаккур, оддийлик кабилар бўлиши мумкин. Қаерда алмашув бўлса, ўша ерда манфаат ётади. Онгли одам нимаики кўнгилдагидек бўлса, у фойдали деб ҳисоблайди”.⁴

Ибн Сино ўзининг “Уй-жой тутиш тадбири” ҳақидаги асарида аёлларнинг ўн етти хислатини санаб кўрсатади; буларга дастлаб аёл оқила ва иймонли, шарм-ҳаёлик ва орномуслик, дидли ва фаросатлик, ораста, ўз эрига садоқатли, фарзанд кўра оладиган, итоаткор, дилкаш, бехархаша, покиза, вазмин, мулойим ва ўзини тутиб олган жиддий ва улуғвор, ҳар бир хатти-ҳаракатида яхши хислатлари сезилиб турадиган тежамкор, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла оладиган мушфику меҳрибон бўлиши керак.

Демак, Ибн Сино бу ерда аёлнинг донолигини кўкларга кўтариб мақтайди. Унингча, агар аёл оқила бўлса, ўз эрининг ишончли дўсти ва ҳамдарди бўла олади, у бевафоликни қоралайди, оилани ҳалокатга олиб борадиган сабаб ўша бевафолик, дейди. Инсон ўз хатти-ҳаракатларида эркин эмас, деган нотўғри хулқ-атвор ҳомийлари фикрига қарши ўлароқ Ибн Сино киши доимо эркин ва озод ҳаракат қилиши лозим, ўз хатти-ҳаракатлари учун инсонга масъулият, бурч юклатилган, дейди.

Инсонда, дейди у, яхши ва ёмон майллар мавжуд бўлади ва инсон ўз характерини шакллантириб боради, агар яхшилик фазилати мойиллик инсон табиатини гўзаллаштиради,

¹ Ибн Сино. Ўша асар, ўша бет.

² Ибн Сино. Донишнома, Сталинобод, 1957, 202-бет.

³ Ибн Сино. Ўша асар, 216-бет.

⁴ Ибн Сино. Ўша асар, 194-бет.

ёмонликка мойиллик эса унинг хулқини тубанлаштиради, яъни маънавий қашшоқликка олиб келади.

Ибн Сино бола тарбиясига оид ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирар экан, бола тарбиясини унга исм қўйишдан бошлашни лозим топади ҳамда болаларга яхши, муносиб исм танлашни ота-онанинг дастлабки олижаноб вазифаларидан ҳисоблайди.

Сино бола саломатлиги ҳақидаги фаннинг асосчиларидан биридир. Унинг турли асарларида билдирган кўплаб мулоҳазалари фикрнинг чуқурлиги, инсонпарварлиги, таълим тарбиянинг қатор масалаларини ечишга тўғри ёндошилганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Алломанинг фикрича, тарбия бергувчининг бутун диққат – эътибори “боланинг хулқ-атворини яхшилашга, тегишли парваришни амалга оширишга, боланинг теварагида у ёқтирмайдиган бирорта нарса ёки ҳодисанинг бўлмаслигини таъминлашга қаратилиши даркор. Буларнинг бариси икки томонлама наф келтиради: 1) боланинг қалби ёлғиз эзгуликларнигина билади ва унда мустаҳкам, ўзгармас хулқ-атвор шаклланади; 2) хулқ-атворни мана шундай тартибда такомиллаштириш боланинг жисмоний ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, боланинг ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний саломатлиги унинг тарбиясига боғлиқ бўлар экан”.

Унинг асосий тамойиллари қуйидагича: Алломанинг фикрича, авваламбор ота ўз фарзандига яхши исм қўйиб, унга ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом энага ёки тарбиячи ёллаши лозим. Гўдак эмизикли ёшдан ўтиши биланок, отаси у ҳақда қайғуриши, уни нохуш таъсир ва шу каби кўнгилсизликлардан ҳимоя қилмоғи зарур. Бола олти ёшга қадам қўйганда, уни мураккаб бўлмаган вазифаларни бажаришга ўргатиш керак. Бироқ буни, Ибн Синонинг тавсиясига кўра, эҳтиёткорлик билан, болани ҳаддан зиёд зўриқтириб юбормасдан амалга ошириш, боланинг топшириқни бажаришга қизиқиш билан қаршини назорат қилган ҳолда бажариш лозим бўлади. Ибн Сино бундай болаларнинг хулқ-атвори рисоладагидек ривожланиб, соғлом ва бардам ўсишларига ишонч билдирган.

Мактабда фақат яхши муаллимлар ишлашлари керак. Ибн Синонинг фикрича, муаллим мардонавор, ростгўй ва покиза инсон бўлмоғи, бола тарбияси усулларини ҳамда маънавият конун-қоидаларини мукамал билиши зарур. Аллома боланинг якка-ёлғиз илм олишига йўл қўйиш мумкин эмаслигига, бу уни бахтсиз қилиб қўйишига ишонар эди. Болалар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб туришлари, бир-бирларидан яхши хулқни ўзлаштиришлари даркор. Муаллим, Ибн Синонинг ҳисоблашича, қуйидаги қоида ни ўзлаштириб олиши шартдир: ўқувчини нохуш таъсирлардан асраши, унинг хуш ахлоқли ва виждонли дўстлар билан биргаликда бўлишлигини назорат қилиб туриши керак. У боланинг

яхши ҳаракатларини ўз вақтида рағбатлантириб туриши, зарур ҳолларда қаттиқ қўллик кўрсатиши лозим бўлади.

Устоз ўқувчисининг феълини батафсил ўрганиши, унинг ақл-заковати хусусиятларини билиб олиши керак. У шогирдининг қобилятини ўз вақтида пайқаб, уни ривожлантириши лозим, чунончи Ибн Сино болаларнинг бири ақлий меҳнатга иштиёқманд бўлса, бошқаси – ҳунарли машғулотларга қизиқишини таъкидлаган. Устоз шуни фаҳмлагандагина, ўқувчидаги иқтидор куртакларини тўғри баҳолаб, унга келажакда касб танлашда кўмаклашиш имкониятига эга бўлади.¹

Ибн Сино фикрича, болага ёшлигидан бошлаб ёшига мос юмушларни бажаришга ўргатилмоғи лозим. Бунда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўриш ҳамда болага керагидан ортиқча иш юкламаслик зарур.

Ибн Сино бола хулқини мўътадилликда сақлашга катта эътибор беради. Бу ўринда боланинг истак ва майлларига диққат қилиш зарур. Ана шундагина бола ёшликдан яхши хулқли, эс-ҳушли бўлиб тарбияланади. Бундай тарбия воситалар қўлланилмайдиган оилаларда болалар жиззаки, жаҳлдор, кўрқоқ ва заиф бўлиб ўсадилар.

Ибн Сино фикрича, ўқитувчи мард, ҳалол-покиза, одобли, самимий ва хулқи билан намуна кўрсата оладиган бўлиши керак.

Тарбиячи болаларни яхши кўриши, ҳурмат қилиши, улар билан хушмуомала бўлиши шарт. Агар бола вазифасини яхши бажарса уни ўз вақтида рағбатлантириш, гоҳида мактаб кўйиш, аксинча бўлганда эса, унга танбех бериш керак. Бола тарбиясида бу ҳолат муҳим ҳисобланади.

Минг йил муқаддам битилган алломаимизнинг бу фикрлари баркамол авлодларимизни тўғри йўлга солишга, уларни жисмонан соғлом, маънан етук қилишга, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг келажagini юксакликка, байроғини баланд кўтаришда беназир хизмат қилади.

ИБН СИНО МАЪРИФАТПАРВАР ОЛИМ ВА ШОИРДИР.

Ибн Сино ижтимоий – фалсафий, таълим ва тарбияга оид асарларида инсонларни фан, маданият, билим ва маърифатга эга бўлмоқ учун, илмнинг машаққати йўлида оғишмай меҳнат қилиб баркамоллик сари интилишга, ҳар бир муаммоли масалага илмий-назарий ёндошишга, ростгўй, виждонли бўлишга – хуллас одамийликнинг энг яхши хислатларини ўзида акс эттиришга ва инсон деган улуғ номни янада ардоқлашга чақиради.

¹ Uz. Sino. FD.

Ибн Сино ўз фикрига садоқатли тарзда илмнинг турли соҳаларини эгаллаган, жуда кўп аниқ фан тармоқларини пухта ўрганган донишманд эди. Олимнинг бизгача етиб келган 242 асардан 80 таси фалсафа, илоҳият ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси психологияга, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси астрономия, 1 таси математика, 1 таси музыкага, 2 та кимёга, 9 таси этикага, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган¹.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш масалаларига Ибн Синонинг муносабати қизиқарли ва ибратлидир. Улар жуда илғор ва ҳозирги замон педагогик қарашларига яқиндир. Ибн Сино Шарқ олимлари ичида биринчилардан бўлиб тарбиялаш услублари баёни ва тизимини берган. Бу масалаларга унинг “Тадбир ул-манозил” рисоласи, “Тиб қонунлари” асари, “Китоб аш-шифо” фалсафий асари ва бошқа кўплаб таърифлари бағишланган.

Абу Али ибн Сино асарларида камолотга эришишнинг биринчи мезони-маърифатни эгаллашга даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб авлодларга етказиши керак. Бу мақсадга етишиш учун инсон қийинчиликлардан кўрқмаслиги зарур, дейди у:

*“Эй, биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир”*¹.

Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам кўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб.

Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

“Ҳай ибн Яқзон” қиссасини Ибн Сино 1023 йили Ҳамадонга яқин бўлган Фараджон қалъаси қамоқхонасида ёзган деган маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. Қисса араб тилида ёзилган.

Иврит (қадимги яҳудий) тилига қиссанинг шеърӣ таржимасини Ибн Эрза (1174 й да вафот этган), насрий таржимасини 1886 йилда П.Д.Кауфман амалга оширган. Инсоннинг табиатига хос бўлган ижобӣ ва салбий жиҳатларнинг таърифига катта ўрин берилган, қиссанинг ўзи эса, умуман инсоннинг маънавий киёфасига, интизомига, уни номаъкул қилмишларга эргашишдан қайтаришга бағишланган. Қиссадаги барча қаҳрамонлар маълум рамзий сиймоларни гавдалантиради: ёш йигит билан бирга Ғарбдан шарққа саёҳат қиляётган қария сиймоси – фаолият кўрсатаётган онг рамзидир. Ғарб деганда моддий олам, яъни инсон танаси, шарқ деганда – инсоннинг руҳий олами, яъни инсон идроки тушунилади. Идрок

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т., 2004.

¹ Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. Т.: Алишер Навоӣ номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2005. 90-бет.

инсонни ярамас кирдикорлардан огоҳликка чақиради, мантиқ илмини ўрганишга ундайди. Қиссада мантиқни – фаросат (яъни физиогномика) деб юритилган.

Инсон феъл-атворидаги қизикқонлик, мунофиқлик, таъмагирлик, зулмкорликка, ўғрилик ва алдамчиликка мойиллик, ўзининг ҳаю-ҳавасларини кондириш истаги, эҳтиросларга берилиш, ҳайвоний ҳирслар – буларнинг барчасини Ибн Сино бузуқ ниятли “дўстлар” деб атаган. Ибн Сино инсон ўзининг “жиловини” мана шундай “дўстлар”нинг қўлига топшириб қўймаслиги кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Инсон доимо улардан юқорироқ туриши, доимо ақл-идроки доирасида одимлаши лозим – шундагина у ўз дўстларини тўғри йўлдан бошлаб боради. Улар сени ўзларига бўйсундириб олмасларидан аввалроқ, - дейди Ибн Сино, - сен уларни ўзингга бўйсундиришинг лозим.

Ибн Сино бу асарида илм-маърифатни ўрганишга киришгани туфайли кўзи очилгани, натижада Ақл (Ҳайй ибн Яқзон) кўзига кўрингани ва илм унга ўз жамолини намоён этганини ҳикоя қилар экан, илм-ақлни ўлим билмайдиган уйғоқ, қаримайдиган ёш, бели букилмайдиган – барваста, нуроний сифатида тасвирлайди. Тафаккур қилиб зарур бўлган ва билиши мумкин бўлган нарсаларни ўқишга киришгани, бу йўлда ақлни ишга солиб, фаросатли бўлиб, ўзини ёмонликлардан четлаштирадиган турли хусусиятларини билиб олганлигини қайд этади.

Демак, “Ҳайй ибн Яқзон” мантиқ илмига бағишлангани билан ҳам ақлий тарбияда катта аҳамиятга эга. Рисола инсондаги ёмон иллатларни бартараф этишда илму фан, зиёнинг аҳамияти, инсондаги ақл-тафаккур қувватининг ёмон иллатлардан қутулиши, ўзлигини англаш воситаси эканлиги билан адабий-фалсафий асаргина бўлиб қолмай, тарбиявий асар сифатида ҳам қимматлидир.

Шунинг учун ҳам у одамларга қарата шундай хитоб қилади: “Эй биродарлар! Бир – бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатни очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан [тўсқинлик] пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларики, биродарларингиз сизлардан [ўзи билмаган] баъзи нарсаларни ўргансин ва яна бошқалари [бўлса] баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин”.

Модомики, инсон алоқага муҳтож экан, бошқа биров билан қўшинчилик қилиш учун унинг уйи ёнига уй солади, ўзининг эҳтиёжини кондириш учун эса ишлаб чиқариш маҳсулотларини алмаштиради, душманлардан сақланиш учун ўзгалар билан бирлашади. Мана шу тариқа жипслашиши ва ҳамкорлик ҳисси, бошқаларга нисбатан севги-муҳаббат ва умумий ахлоқий негизлар ишлаб чиқилади. У дўстликни шундай таърифлайди:

- ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз дўстини бошига мусибат тушганда ёлғиз қолдирмайдиган дўстлик;

- манфаатлари ўхшаш ва фикран яқин дўстлик;

- ўз шахсий манфаати ва эҳтиёжини қондиришга қаратилган дўстлик.¹

Олим даъват қилган йўлига намуна ўлароқ ўз давридаги мавжуд фан таракқиётининг барчасини эгаллайди, илм йўлида қанчалик машаққат чекмасин.

У ўз илмини ҳали жуда оз деб ўйлайди.

Олим бу ҳақда камтаринлик билан:

Ҳеч бир гап қолмади, маълум бўлмаган,

Жуда оз сир қолди мавҳум бўлмаган.

Билимим ҳақида чуқур ўйласам,

Билдимки ҳеч нарса маълум бўлмаган, - дейди.

Унинг фанга, табиат сирларини эгаллашга бўлган интилишлари чексиз эди. Ибн Сино бутун фаолиятини ҳақиқатни билишга қаратди; у ўзининг бу йўлдаги интилишларини ушбу сатрларда ифодалайди:

Ё етарман мақсадимнинг чўққисига охири,

Ё бу йўлда шум ажалдан топгуси ором бу жон.

Ибн Сино фаннинг жуда кўп, хилма-хил соҳаларига қизиққанини, имкони борица уларни билишга уринганини ёзиб, фаннинг кўп тармоқлари, кўп соҳалари ҳали ўз камолотига етмаганини қуйидагича ёзади:

Кўнглимда минг қуёш нур сочди, лекин,

Камолга заррача ҳам йўл топмади.

У одамларни илм-камолотни эгаллаш йўлидаги қийинчиликлардан чўчимасликка, дадил, сабот билан қадам қўйишга ундайди: “Одамларнинг дадили келажакдаги ишдан кўрқмайди. Энг кўрқоқ кишигина ўз камолотини охирига етказмайди”.

Ибн Сино диний таассубчиларга, ўзини олим деб, тоат-ибодатдан нари ўтмайдиган ва кимки билим ва санъат, фан-маърифат билан шуғулланса, уни қоралаб, дахрийликка айблайдиганларга қарши шафқатсиз кураш олиб боради.

У жоҳилларни ёруғ дунёни кўра олмайдиган кўрларга тенглаштиради: “Қуёш кўрларга кўринмай, бекинганидек, бу жоҳилларга ҳам дунёда тўғри йўл байроқлари кўринмай қолади”.

Ибн Сино бундай жаҳолатпарастлар олдида гапириб овора бўлгандан кўра илмингни яшириб турганинг дурустрокдир, демоқчи бўлади.

У баъзи лаёқатсиз, субутсиз кишиларнинг юқори мансабларга миниб олиши, уларнинг руҳсиз, ҳиссиз ишлари ҳақида қуйиниб ёзади: “Нукул жонсиз нарсалар юқорига кўтарилишда давом этаяпти. Ажабо, у ҳам жонсиз бўлса-ю, ҳам ўсса!”.

¹ Хошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2005. 92-бет.

Ибн Сино ўсиб келаётган ёшларга шундай панд-насихат қилади:

Сирингни сўрсалар кимсадан тут пинҳон,

Ҳар кимки гапирмас кўп, удир мулоҳазакор.

Ичингда ниҳон бўлса, сиринг сенинг асиринг,

Ўзинг унга асирсан қачонки қилдинг ошкор.

У фан ва маърифат байроғини юқори кўтариб чиққан пешкадам мутафаккир бўлганлигидан, мусулмон киши мавжуд билимларни эгаллагандагина ҳақиқий мусулмон бўла олади, деб тушунади. Бу билан у дин пешволарининг дунёда фақат тоат-ибодат билан шуғулланиш керак, бу дунё-вақтинча дунё, деган бўлмағур фикрларига қарши чиқади. Шу сабабдан ҳам кўп дин ақойидчилари Ибн Синони қуръонга назира ёзган, деб кофирга чиқарганлар. Бу жаҳолатпарастларга қарши Ибн Сино оташин сатрлар ёзади.

Мени кофир этмак эмасдир осон.

Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.

Юз йилда бир келур мен каби инсон,

Демак, бу дунёда йўқ бир мусулмон.

Душманлар Ибн Синони фақат кофир деб қоралаб қўя қолмай, балки мутафаккирга турли бўлмағур тухматлар ёғдирганлар. Бундай рақибларга қарата аччиқ-аччиқ сўзлар билан ажойиб сатрлар ёзган:

Улуғлигим туфайли дилларида ваҳмлар зоҳир

Йўқса ҳеч бир кечирмай, айлашар эрди хўпам тақдир

Мени тутмоқчи бўлганлар қазиб чоҳ айлашур “ав-ав”

Кучук овози ҳар ёқда, фақат мен бунда шерман, шер.

Узоқдан ўқрайиб менга қилурлар қанча ғовғалар,

Мен эрсам кечалар илм истаюрман уйқусиз охир.

Агар бундай адоват ўрнига бўлсайди одил кўз,

Кўрарди ишларимда ул ёмон ўрнига хуб тадбир.

Бу келтирилган сатрлар шоирнинг таржимаи ҳолини чуқурроқ англатувчи, унинг маърифат йўлидаги курашларида учратган қийинчиликларини ифодаловчи мисралар ҳисобланади.

Ибн Сино лирик шоир ҳам эди. Унинг бизгача етиб келган баъзи лирик шеърларида образли ифодаланган ажойиб фикрлар, оригинал истиора ва тасвирлар, турли-туман ифодалар, мажоз ва метафораларни кўриш мумкин.

У ўзининг сабр-бардошлиги ва ёрининг тош бағрилилиги ҳақида шундай ёзади:

Менинг сабрим жуда қаттиқ, сенинг эрса юрак-бағринг,

Демак бир тош эканмиз иккимиз ҳам бу муҳаббатда.

Ёр висолига етишиш, унинг ойдек жамолини кўриб, ўзини бахтли деб ҳисоблаш – шоир орзусига айланади:

Хаста қилмиш кипригинг ҳам жонима кирмиш аро,
Ҳам касал қилғувчидир у ҳам табибим, меҳрибон.
Лутф бирла васлинг инъом айлабон қил бахтиёр.
Жавҳар ўрнини араз олғувси баъзан бегумон.¹

Шоир ёр мадҳини куйлашда маҳбуба сочини тунга, чиройини эса қуёшга ўхшатиб шундай дейди:

“Юзинг ҳуснини сақламоқ учун жамолингни парда билан бекитиб, кўзлардан асрамоқчилар. Мен эсам, юзингдан пардани олиб ташлаб, [уни] очиқ қўйишнинг ўзи билан чиройинг дурустроқ сақланади, деб биламан. Тўғри, қўёш юзини юпқагина бир булут тўсгандагина уни кўриш мумкин бўлганидай, сенинг чиройинг ҳам юзинг пардаси билан тўсиб қўйилган”.

Шоир ёр билан учрашган ёшлик, севгили дамлари, шод-хуррамлик чоғларини шундай эслайди:

“Бу ерлар севгилиларнинг жойларику, эслолмаётибсанми?! Ўша сен кўрган нарсалардан бирор асар қолмаганидан таниёлмаётибсанми?! Ахир яноқларимда кўз ёшларим селлари пайдо қилган из-ажинлари каби, у жой вайроналарини селлар ювиб кетди-ку. Шундай, у ердаги асарлар худди менинг ёшлигим асарлари ва унинг порлоқ нури ўрнига оксоч чечаклари келгани каби йўқ бўлиб кетади”.

Ибн Сино одамларга, дунёда инсоннинг ҳаёти абадий эмаслигини, шундай экан, у бемаъни ишларга ўз вақтини сарфламасдан, уни тежаши, умрининг ҳар дамидан унумли фойдаланиши кераклигини уқтиради.

Ибн Сино таржимаи ҳолидан бир қисмини ёзиб қолдирган шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний эслашига қараганда, Ибн Сино кўп жилдлик “Аш-Шифо” асарини жуда қийин шароитда ёзган. Ҳатто баъзи қисмларини жангга кираётганида – йўлда, баъзиларини қайтаётганида ёзган. Кўпчилик вақтда ором олиш ҳисобига ишлаган.

Олим ўзининг ғоявий душманлари дағдағасидан кўркмайди, доимо уларнинг жоҳиллиги, нодонлигини фош қилувчи сатрлар битиб унда жоҳиллиги ва аҳмоқлиги туфайли ўзини доно, деб биладиган нодонлар билан муносабатда бўлганинда сен ҳам ўзингни эшак деб ҳисобла, чунки дунёда яшаётган ҳар бир киши ўзини улар олдида эшак каби тутмаса, эшаклиги ҳаддан ошиб кетган бу гуруҳлар уни кофирга чиқарадилар деб қуйидаги рубойини битган:

¹ Бу ерда шоир жавҳар (субстанция) билан маъшуканинг ўзини, араз-акциденция билан унинг висолига етишувни англайди.

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон,
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса “кофир” деб қилишар эълон.¹

Ибн Сино бундай маърифатсиз кишилар билан мулоқотда дилдаги барча фикр-андишаларни айтмасликка чақиради, айниқса, ҳали тўғри мулоҳаза юритишга қодир бўлмаган кишиларга шундай йўл тутишни маслаҳат беради.

Бу ерда Ибн Сино етук кишилар ўзларида пайдо бўлган ақлий фикрларни барчага, айниқса, ҳали илмий, тўғри мулоҳаза юритишга қодир бўлмаган кишиларга айтмасликни уқтиради, сенга ўзини дўст қилиб кўрсатиб, аслида эса, сирингни нодонларга очадиган, сенга катта зиён келтирадиганлардан узоқроқ юришни тайинлайди.

Ибн Синонинг таълим ва тарбия борасидаги дунёқараши ва илғор ғоялари фақат унинг табиий фанларга оид бўлган асарларидагина эмас, балки унинг адабий жанрда ёзган шеър ва қиссаларида ҳам ўз аксини топган. Унинг адабий асарларида инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳр-муҳаббат, бир-бировини ҳурмат қилиш, дўстлик каби қатор масалалар ўртага ташланади.

Ибн Сино олим бўлиш билан бирга истеъдодли адиб ҳамдир. Унинг форсий тилда ёзган шеърлар девони, турли билимлар бўйича баҳс юритиладиган “Донишнома” китоби, араб тилида ёзилган “Саламон ва Ибсол”, “Юсуф қиссаси”, “Қуш” ва бошқа қиссалари бизга қадар етиб келган. Ибн Сино халқ оғзаки ижодидаги термалар асосида ёзма адабиётга рубоий жанрини олиб кирди; араб ва форс тилида шеърлар ёзди. Ўз ғазал ва рубоийларида шоир гўзалликни, илм-фанни тарғиб этади, жаҳолат, зулм-зўрликни қоралайди. Ибн Сино ақл-идрок ва илмнинг кучига юксак баҳо беради. Бир рубоийсида илмда камолот чўққисига етишса-да, ҳамон кадрланмаганидан шикоят қилса, бошқа бирида ўз илмий қудратини таъкидлайди.

Қора ер қаъридан то авжи Зухал,
Коинот мушкулин барин мен қилдим ҳал.
Кўп чигал тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолган биргина ажал.

Ўз қиссаларида Ибн Сино мардликни тарғиб қилиб, мунофиқлик, сергаплик, ёлғончилик, ишёқмасликни, риёкорларнинг иккиюзламачиликларини фош этади. Ибн Сино кишиларни илм-фанни ўрганишга, касб-хунар эгаллашга даъват этади.

Демак, Ибн Сино асарлари Ўрта Осиё халқлари педагогик қарашлари, ўрта асрлардаги илм-фан тарихини ўрганишда ҳам энг муҳим сарчашмалардан бўлиб ҳисобланади.

¹ Абу Али ибн Сино. Шеърлар. Т.: “Фан”, 1965, 13-бет.

Улуғ олим ва истеъдодли адибнинг нодир асарлари биз учун ҳамиша азиз, мўътабардир
ва илм ўрганишнинг ноёб хазинасидир.

